

“НАВОИЙ ‘ХАМСА’СИДА ҲАЁТ, МУҲАББАТ ВА АХЛОҚ”

Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи

Адабиёт бўлими мудир: **Н. Мўминова.**

“Алишер Навоий халқимизнинг онг ва тафаккури, бадиий маданияти, тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намоёндаси, миллатимизнинг ғурури, шаъну-шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткоридир”.

Ўзб.1.п И.А.Каримов

Улуғ мутафаккир бобомиз Алишер Навоий ҳазратларидан бизга мерос бўлиб қолган улкан адабий-илмий хазинадан мана неча асрлардан бўён бугун жаҳон халқлари баҳра олиб, комилликка эришмоқдалар.

Навоий асарлари ўз даврида ҳам, ҳозир ҳам ҳар қандай саволу-муаммоларга ечим ва инсонга маънавий озуқа берувчи олтин меросдир. Ушбу меросни асраб-авайлаб, уни келажак авлодларга етказиш ҳар бир иймон-эътиқодли кишининг бурчидир. Бу борада кутубхоналар қаторида музейларнинг ўрни ҳам бекиёсдир.

Ҳазратнинг ўзи “Назм ул-жавоҳир” асарларида

Саъй айлаки, ҳифзи

ганжига етгайсен,

Йўқ улки, саъй ила

кутуб жамъ этгайсен,

деб ёзганлар. Яъни, саъй ҳаракат қилиб, хазина-ганж, бойлик йиғинки, бу хазина ҳеч бўлмаганда сендан кейингиларга олим бўлишларида нафи тегади, дея таъкидламоқда. Бу ерда хазина деб китоб йиғиш, жамлаш назарда тутилган.

Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи хазина бўлимида ҳам кўплаб алломалар, шоиру ёзувчиларнинг 18-20 асрларда яратилган асарлари билан бирга Навоийнинг ҳам бир қатор туркий ва адабий тилларда қайта кўчирилган асарлари сақланмоқда. Улардан бири ҳижрий 1273, милодий 1853 йили андижонлик

хатот мулло Тошмухаммад ибн мулло Каримбобо томонидан настаълик хатида қайта кўчирилган шоирнинг шоҳ асари “Хамса” достонидир. Китоб музейнинг ноёб экспонатларидан бири бўлиб, 1978 йили 5831 рақами билан қабул қилинган. Қўлёзма гўзал нақшли муқовага эга, у бўртиқ ва бўртма ҳолатдаги ромбсимон гуллар билан безатилган. Муқоваси қалин қизғиш тусли чармдан орасига қалин қаттиқ картон қоғоз олиб тайёрланган. Қўлёзма 53x31 см.ҳажмда. асар туркий тилда, настаълик хатида, юпка, шилдиروق кўқон паранг қоғозига устунча шаклидаги қизил ва кўк рангли хошиялар ичига қора ва қизил туш билан ёзилган. Китоб 311 варақ, 622 саҳифадан иборат.

Қўлёзма Навоийнинг 1498-1499-йилларда яратилган сўнгги достони “Лисон-ут-тайр” асари билан бошланади. Шоир бу достонни “Фоний” тахаллуси билан ёзган. Мазкур асар болалигида севиб ўқиган Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ-ут-тайр” (“Қушлар тили”) достонига жавоб тарзида, шоирнинг ўз таъбири билан айтганда, “Таржима расми била” юзага келтирилган шеърый мўъжизаси эди. Достондаги бош ғоя, бош муаммо тасаввуф илмидаги иймон-эътиқод ва маънавият масалаларидир. Навоийнинг нияти оддий инсонларга инсонийликнинг илоҳий моҳиятини тушунтириб бериш, уларни оғир синовлардан ўтказиб, комил инсон даражасида кўриш. Шоир асарда қушлар тимсолида тасаввуф йўлига кирган ва Аллоҳни кўришга, унга етишишга астойдил киришган художўй инсонларни тасвирлашга интиланган. Худ-худ номли қуш номидан сўзлаган ҳикоялар тасаввуфий мазмунда бўлиб, улар ҳаммаси ҳаётий, бир-биридан қизиқарлидир. Асарда Навоий инсоннинг улуғворлигини, мажозий услуб билан таъсирли қилиб, реал ижтимоий, ахлоқий ҳодисалар билан боғлаб тасвирланган.

Китобнинг қолган қисмида ҳазрат Навоийнинг дунёга машҳур “Хамса” достони баён этилган. Форс адабиётидаги хамсачиликка жавобан ўзбек тилида биринчи мартаба яратилган Навоийнинг “Хамса” си бу тилнинг чексиз имкониятларини амалда исбот этди. Эллик икки минг мисрадан иборат бу бешлик 15 аср ислом тафаккурининг борлиқ ва табиат, инсон ва жамият, ахлоқ ва камолот ҳақидаги ўзига хос қомуси эди. Шоир воқеаларни қадим Шарқ тарихининг Ҳусрав,

Баҳром, Искандар каби номлари афсоналар билан чулғанган шахслар, Лайли ва Мажнун каби ошиқлар ҳаётидан олди. Уларга янги мазмун берди, туркона рух киритди, даврнинг дардли масалаларини, авлодларнинг орзу ва армонларини кўтариб чиқди.

Ушбу китоб ва Навоийнинг барча асарлари ҳам юқорида таъкидланганидек, нафақат ўз даврининг, балки ҳозир ва келажақда ҳам барча учун тарбиявий аҳамияти каттадир. Биз ўзбеклар ва қардошларимиз учун Навоий номи ҳамиша инсонийликнинг олий чўққиси, буюк, идеал шахсдир. Бобокалонимиз асарларини қанча ўқисак, ўргансак, у кишининг илм-маърифат, маънавиятимизнинг юксалишидаги эзгу амалларини қанча сўзлаб, тарғиб қилсак, шунча камдир.

Навоийнинг фикрича, оламнинг яратилишидан мақсад инсондир. Инсон бутун борлиқнинг кўрки ва шарафидир деб, буни қуйидаги байт билан ифодалайди:

*Мунча гаройибки,
мисол айладинг,
Барчани миръоти
жамол айладинг,
Ганжинг аро нақд
фаровон эди,
Лек борида гараз
инсон эди.
Конию ҳайвони, агар
худ набод,
Ҳар бири гавҳари
олий сифот.
Барчасини гарчи
латиф айладинг,
Барчадин инсонни
шариф айладинг.*

Навоий яратгувчи Аллоҳнинг бундай инъомига жавобан инсонлар ҳаётда ҳар томонлама етук, маънавиятли, комил инсон бўлишларини истайди ва бунга даъват этиб, ғазаллар битади. Ҳаётнинг мезони инсоннинг фаолияти, ҳатти ҳаракати, сифати ва фазилатидир. Инсон ҳаётини ўзи учун ҳам, бутун жамият учун ҳам фойдали бўлган хизматга бағишлаши, касб-ҳунар ўрганиши, маърифатли бўлиши, яхши фазилатларни эгаллаши керак:

*Камол эт касбким,
олам уйидин
Сенга фарз ўлмагай
гамнок чиқмоқ.
Жаҳондин нотава
ўтмак биайниҳ
Эрур ҳаммомдин
нопок чиқмоқ.*

Бу байтда Навоий инсонларга берилган қисқа умрни беҳудага зое ўтказиш гўёки ҳаммомга кириб покланмай чиқиш билан баробардур дейди. Инсон дунёдан ўтиб кетади, лекин эл-юртга яхшилик қилган комил кишининг номи боқий бўлиб қолади:

*Бу гулшан ичраки йўқдур
бақо гулига сабот
Ажаб саодат эрур чиқса
яхшилик била от.*

Бобокалонимиз Алишер Навоийнинг инсонийлиги барчамиз учун беқиёс намунадир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1-том.
2. Музей хазинасидаги А. Навоийнинг “Хамса” асари қўлёзмаси.
3. Шахсий фикрлар.